

РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК — ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ МАЖЛИС РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Давлат раҳбари Парламент Мажлиси раиси Ерлан Қўшановни қабул қилди.

Мажлис раиси Президентга депутатларнинг шу кунлардаги фаолияти ва умумхалқ референдум арасидаги сайловчилар билан учрашувлари натижалари ҳақида маълумот берди.

Депутатлар ҳар куни 250дан зиёд тадбир ўтказмоқда. Меҳнат жамоалари, бозорлар, ижтимоий соҳа иншоотлари ва олис аҳоли манзилларида ўтган учрашувларда сайловчилар билан очиқ мулоқотлар чоғида фуқаролар референдумда иштирок этишга тайёр эканлигини маълум қилиб, таклиф этилаётган ислохотларни қўллаб-қувватламоқда.

Референдумни тушунтириш жараёнида "AMANAT" партияси ҳам фаол иштирок этди. Республика ва вилоят штаблари, барча бўғиндаги масъуллардаги фракция депутатлари, партия ёшлар қаноти фаоллик танитмоқда.

Учрашувлар чоғида Мажлис депутатлари долзарб масалалар юзасидан очиқ фикр алмашишди. Фуқаролар таклиф ва мурожаатлари тизимлаштирилиб, ўрганилади ва тасдиқланган режага мувофиқ, Хукумат билан биргаликда уларни ҳал этиш дастаклари кўриб чиқилади.

Ерлан Қўшанов Қасим-Жўмарт Тўқаевга палатанинг қонунчилик фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Хусусан, сессия бошлангандан буён 64та қонун лойиҳаси маъқулланиб, 51таси кўриб чиқилмоқда. Давлат раҳбари топшириқлари доирасида ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Президентга Хукумат ва Ҳисоб кўмитасининг ўтган йилги республика бюджети харажатлари тўғрисидаги ҳисобот ҳақида маълумот берилди.

Мажлис раиси Президентга парламент дипломатияси соҳасидаги ишларнинг фаоллаштирилгани ҳақида маълумот берди. Хусусан, май ойида Қозоғистон ва Қирғизистон парламентларининг халқаро ишлар ва мудофаа бўйича тармоқ кўмиталари қўшма мажлиси Жамбил вилоятининг Қўрдай қишлоғидаги чегара پوستида ўтди. Учрашувда Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорлики, транспорт-логистика ва боғжона тартибларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Июнь ойида депутатлар Арманистонда ўтайдиган ЖХШТ Парламент Ассамблеяси Кенгаши ва Қирғизистонда ўтайдиган Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси Кенгаши йиғилишларида иштирок этиши кутилмоқда. Ушбу учрашувларда қонун чиқарувчи ҳокимият ва сайлов бошқаруви органлари ўртасидаги ҳамкорлики мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

БИЗКИМ, МУЛКИ ТУРОН...

ОЗАРБАЙЖОНДА ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ТУРИЗМ ВАЗИРЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШИ ЎТАДИ

Тадбирда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг қўшма лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинади, деяр хабар беради ташкилот котибияти матбуот хизмати.

Бугун Озарбайжоннинг Шамахи шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар туризм вазириларининг VII йиғилиши бўлиб ўтади.

Давлат туризм агентлиги раҳбари Фуад Нагиев раислиги ва ТДТ Бош котиби Бағдат Амреев шафелигида ўтайдиган учрашувда ушбу ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар вазири, туризм бўйича экспертлар, Озарбайжондаги дипломатик корпус вакиллари ҳамда бошқа расмий шахслар иштирок этмоқда.

ТДТга аъзо давлатлар ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги авиақатновлар сонини кўпайтириш, Ипак йўлининг сайёҳлик салоҳиятини ошириш, тажриба алмашиш, «Замонавий Ипак йўли бўйлаб саёҳат» ва «Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти», қишки туризм соҳаларидаги ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш ва ҳ.к. масалалар кўриб чиқилади.

Томонлар, шунингдек, «Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти тўғрисидаги Низом» ва «Туркий давлатларнинг сайёҳлик йўл харитаси»ни тасдиқлайди.

Ўтган ҳафта давомида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақасининг бир қанча мамлакатларида маймун чечаги билан касалланиш ҳолатларини қайд этди. Бу ҳақда Kazinform БМТ ахборот марказига таяниб хабар беради.

ЕВРОПАДА МАЙМУН ЧЕЧАГИ

Бугунги кунга қадар ЖССТ Европа минтақасидаги саккизта давлат – Бельгия, Франция, Германия, Италия, Португалия, Испания, Швеция ва Буюк Британияда сўнгги кунларда маймун чечаги касаллиги қайд этилган. Маймун чечаги эндемик деб ҳисобланган мамлакатлардан ташқари, яқинда Австралия, Канада ва АҚШда ҳам қайд этилган.

Маймун чечаги – кам учрайдиган вирусли касаллик бўлиб, у кўпинча вирус ташувчилари яшайдиган Марказий ва Ғарбий Африканинг ўрмонли ҳудудларида учрайди.

Маймун чечаги одамдан одамга бевосита алоқа пайтида ёки ифлосланган идишлардан фойдаланиш орқали юқади.

Маймун чечаги одатда ўз-ўзидан ўтиб кетадиган касаллик бўлиб, белгилари 14 кундан 21 кунгача давом этади. Одатда, инфекция энгил аломатларни келтириб чиқаради, терининг таъсирланган жойларида қичишиш ёки оғриқ сезилиши мумкин; баъзи ҳолларда инфекция янада оғирроқ бўлиши эҳтимол.

Вирус аҳоли орасида қанчалик кенг тарқалаётгани аниқ эмас, аммо яқин кунларда касалланишлар кўпайиши мумкин.

Kazinform.

МУҲИМ МЕЗОН ВА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

2-бет

РЕФЕРЕНДУМ МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

3-бет

ЯНГИ ИҚОНДА ЯНГИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

4-бет



TURKISTAN
janubiy.kz

Жанубий

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 24 май, сешанба. №55 (3108).

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Қозоғистоннинг
ЮНЕСКОга аъзо
бўлганига
30 йил тўлди



Қозоғистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Қозоғистонни 196 давлат тан олган. Дунёдаги 120 давлат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Нур-Султан шаҳрида 60 мамлакат ўз элчихонасини очган.

Бугунги кунда Қозоғистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида республика кўплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Қозоғистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган куйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда.

Биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устуворлиги;
Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилик

ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хафсизликни сақлашга содиқлик;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг давлат ички меъёрларидан устуворлиги;

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ривожлантириш.

Биз ҳам дунёнинг Қозоғистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз. Бу эса Қозоғистоннинг барқарор ривожланиши учун энг яхши кафолатдир.

Бутундунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантиришда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда.

XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутундунё қамраб олинандиган аср бўлади.

Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирокини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман – бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликнинг кудратли омилли деб ҳисобламоқ зарур.

БМТ доирасида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувни БМТнинг ихтисослашган муассасалари, шу жумладан, ЮНЕСКО билан кенг ҳамкорлик қилмоқда. Қозоғистон Республикаси 1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилотига аъзо бўлган 164-давлат бўлди.

Мамлакатнинг ЮНЕСКО рўйхатига киритилган биринчи иншооти – Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидир.

ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Қозоғистон иншоотлари куйидагилар:

Маданий иншоотлар:
Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси, 2003 йил;
Тамғали археологик ландшафтининг петроглифлари, 2004;

Ипак йўли: Чанъань-Тянь-Шань даҳлати, 2014 йил.

Табиий иншоотлар:
Сариарқа – Шимолий Қозоғистоннинг дашт ва кўллари, 2008;

Ғарбий Тянь-Шань, 2016 йил.
Сўнгги йилларда Қозоғистоннинг 4 қадимий шаҳри ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий ёдгорликлари рўйхатига киритилди. Улар – Буюк Ипак йўлининг Сирдарё қисми ва Сиганақ, Ўтирор, Сайран ҳамда Сарайшўқ.

Бу сатрларни ўқир эканмиз, тарихимизга, Ватанимизга, Қозоғистонимиз эга бўлган маданий бойликлари ва беқиёс имкониятларга фикрлан назар ташлаб, шубҳасиз, ифтихор ҳиссини бошдан кечирамиз. Халқимизга, ўз меҳнати билан, жонини фидо қилиб, мамлакатнинг моддий ва маънавий бойликларини, куч-қудратини яратган кишиларга самийий миннатдорлик туйғулари ҳис этамиз.

Қозоғистон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.

ДУНЁНИ МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ҚУТҚАРАДИ

ВЕЛОСИПЕДАДА ҲАЖГА
КЕТАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК
ҚОЗОҒИСТОН ПОЛИЦИЯ
ХОДИМЛАРИГА
МИННАТДОРЧИЛИК
БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароси, 56 ёшли Бозорбай Сотволдиев Маккага велосипедда ҳаж сафарига йўл олди.

Туркистон вилоятидаги чегара пости орқали Қозоғистон Республикаси ҳудудига кириб келган. 20 май кунини у Атирау вилоятидан Мангистау вилоятига жўнаб кетди.

Йўлда уни Жилиўй тумани ИИБ ходимлари учратилган.

– Велосипедига Ўзбекистон Республикасининг байроғини олиб олган кекса бир кишини тўхтатдик. Саудия Арабистонининг Макка шаҳрига ҳаж зиёратини адо этиш учун кетаётган экан. Унга оқ йўл тиладик, – деди туман ИИБ тергов бўлими



бошлиги ўринбосари Нурлан Жангелов.

Полиция капитани олис сафарга велосипедда йўл олган ўзбекистон фуқаросига йўл кўрсатиб, дўкандан озиқ-овқат олиб бериб, қўлига пул ҳам тутқазибди.

– Менга йўл кўрсатиб, ёрдам бергани учун Қозоғистон полициясига миннатдорчилик билдираман. Ишларингизга муваффақиятлар тилайман, Қозоғистон полицияси яшасин! – деди Бозорбой Сотволдиев.

24.kz.

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли "Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида"ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Умирзақ Естайули Шўкеевнинг Тўлебий тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 3 июнь кунини соат 11.00да Ленгер шаҳри, Тўлебий кўчасидаги Марказий ёшлар истироҳат боғида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2022 йил 3 июнь кунини соат 12.00да Ленгер шаҳри, Тўлебий кўчасидаги Маданият уйида ўтади.

Туркистон вилояти ҳокими Умирзақ Естайули Шўкеевнинг Қазигурт тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 3 июнь кунини соат 16.00да Қазигурт аҳоли манзили, Ертис кўчасидаги "Хунар мактаби" ҳудудида ўтади, шунингдек, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2022 йил 3 июнь кунини соат 17.00да Қазигурт аҳоли манзилидаги, "Хунар мактаби"да уюштирилади.

Қабулга аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йил 2 июнганча соат 9.00дан 19.00 оралиғида (тушки танаффус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

◆ Давлат дастурлари амалда

ТУЛКИБОШЛИКЛАРНИ НИМА ТАШВИШГА СОЛЯПТИ?

Вилоят ҳокими Ҳ. Шўкеев Тулкибош туманига бориб, аҳолининг мурожаат ва таклифларини тинглади. У дастлаб, “Тулкибош сояси” даволаш-соғломлаштириш мажмуаси фаолияти билан танишди. Давлатдан имтиёзли насия олиб, янги санаторий биносини барпо этган тадбиркорнинг ҳордиқ масканида 50 одам меҳнат қилмоқда. Янги марказда умуртқа поғонаси касалликлари даволанади ва у йилига 1500 беморни қабул қила олади.

Ҳоким қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси билан ҳам танишди. Давлатдан грант олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган тулкибошликлар кучларини кўпроқ хунармандчилик буюмлари яшаш ҳамда қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда синиб кўришмоқда.

Вилоят ҳокими “Жанкент” истироҳат боғида аҳоли билан учрашиб, уларни ташвишга солаётган масалаларни муҳокама қилиб, қизиқтираётган саволларга жавоб берди. Тулкибош-



ликларни кўпроқ уй-жой ва ижтимоий аҳамиятга молик иншоотлар қурилиши қизиқтирмоқда. Жамоат транспортаридаги муаммолар юзасидан ҳам фикр юритилди.

Минтақа раҳбари шахсий қабулда

бир неча фуқаронинг мурожаатларини тинглади ва улар юзасидан мутасадди шахсларга алоҳида топшириқлар берди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҚР Парламент Мажлиси депутати, “AMANAT” партияси қошида ташкил этилган республика штаби аъзоси Сирим Ертаев хизмат сафари билан Қазигурт туманига борди. Яқинда кучли ёгингарчиликдан зарар кўрган Шанақ ва Қақпақ аҳоли манзилларида қишлоқ аҳолиси билан учрашди. У хизмат сафаридан асосий мақсад – референдумнинг туб моҳиятини тушунтириш эканлигини таъкидлади.

– Аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, ўзгариши кутилаётган сиёсий жараёнларни тушунтириб юрибмиз. «Кучли Президент – нуфузли Парламент – ҳисобдор Ҳукумат» тамойлини халқ кўллаб-қувватлаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Давлат раҳбари референдумни парламент эмас, балки халқ муҳокамасига йўллади. Янги марраларни забт этиш учун аввало Конституциядаги тузатиш ва ўзгаришларни кўллаб-қувватлашимиз зарур, – деди депутат.

Учрашувларда Туркистон вилоят маслаҳати депутатлари Г. Тажибаева ва Н. Ашировлар ҳам ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Жонли мулоқотларда маҳаллий аҳоли судларнинг иши ва судьяларнинг лавозимига муносиблигини баҳолашни халқнинг ўзига қўйиб беришни сўрашди.

Режадан ташқари Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида ҳам

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТМОҚДА



учрашув уюштирилиб, халқ ноиб дехқонлар билан мулоқотда бўлди. Унда гўшт экспорти, ем-хашак масалалари муҳокама қилинди. Сўхбат асосида, С. Ертаев қишлоқ аҳлининг фаровонлигини ошириш, ер масаласи, қишлоқ ҳўжалигига оид фикрлари билан ўртоқлашди.

Штаб аъзосининг Туркистон вилояти бўйлаб хизмат сафари 3 июнга қадар давом этади.

“AMANAT” партияси Туркистон вилоят филиалининг матбуот хизмати.

◆ Маданият қалбларни бирлаштиради

МАДАНИЯТ КУНЛАРИНИНГ ФАЙЗИ

Вилоят марказида шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига байрам кайфиятини улашиш мақсадида тўлебийлик созандалар ижросида “Туркистон – Туркий оламнинг юраги!” байрам концерти намойиш этилди. Тадбир туман кутубхонаси жамоасининг тайёрлаган флешмоб рақси билан бошланиб, меҳмонлар учун китоб кўргазмаси уюштирилди. Шунингдек, хунармандчилик буюмлари кўргазмаси ва таниқли расомларнинг пейзаж суратлари санъат илҳомландириши эътиборига ҳавола қилинди. Маънавий кеча саҳна тўрида туман Маданият уйи санъаткорлари тайёрлаган концерт дастурига уланиб кетди. Хонандаларнинг шўх куй-қўшиқлари, рақосаларнинг сержило рақслари тадбирга файз бағишлади.



Туркистон вилоятининг минтақавий алоқалар хизмати.

ИЖОДКОР БОЛАЛАР ТАНЛОВИ ЎТДИ



Балалар
Жылы
2022



Туркистон шаҳрида Болалар йили муносабати билан “Бахтли болалик” мавзусида асфальт ва расомлар дастгоҳида расм чизиш танлови ўтди. “Ўқувчилар саройи”да уюштирилган танловда юздан зиёд болалар ва ўсмирлар иштирок этишди.

Тадбирда Туркистон вилоят ҳокимининг ўринбосари Саен Қалқаманов ижодкор ёшларнинг мамлакат маънавиятини ривожлантиришдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, келгусида ушбу йўналишда кўплаб лойиҳалар амалга оширилишини айтди.

Асфальтга расм чизиш бўйича 1-ўринни 27-сонли Ҳ. Жанибеков, 2-ўринни “Ўқувчилар саройи” ва 31-сонли Абай

номли мактаб, учта 3-ўринни 8-сонли Н. Тўреқулов, 18-сонли Ж. Едилбаев, 19-сонли Тўлебий номли мактаб ўқувчилари эгаллашди.

Турли номинацияларга 10-сонли Ал-Фаробий, 1-сонли А. Байтурсинов, 20-сонли Р. Исетов, 21-сонли М. Пушанов, 3-сонли А. Темуралиев номли мактаблар ноил бўлишди.

Расомлар дастгоҳида сурат чизиш бўйича биринчи ўринни Бақдаулет Арай (22-сонли Б. Мумишули мактаби) эгаллади.

Танлов ўқувчиларга илҳом бағишлаб, ижодий интилишларига жўшқинлик берди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

◆ Парламент депутатлари туманларда

МУҲИМ МЕЗОН ВА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

ҚР Парламент Мажлиси депутатлари, “AMANAT” партияси фракцияси аъзолари: Фахриддин Қоратоев, Берик Ўспанов, Гани Ташқараев, Берик Бекжановлар вилоятларга хизмат сафари доирасида Шимкент шаҳар ҳокими, шаҳар партия филиалининг раиси Мурат Айтенов ҳамроҳлигида мегаполис аҳолиси билан учрашди. Учрашув давомида ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси муҳокама қилинди. Мажлис депутатлари Конституцияга тузатиш ва ўзгаришлар киритиш ҳақида халққа тушунтириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларида ҳокимликлар ва партия аъзолари фаол бўлиши зарурлигини айтишди.



рофлича маълумотлар берилди.

Депутат Йўл транспорт ҳамда политехника коллежлари ва шаҳар ташҳис марказига ташриф буюриб, уларнинг фаолияти билан танишди. Марказдаги долзарб масалаларни ўрганиб, жамоанинг таклифларини тинглади.

Учрашув давомида ҚР Конституциясининг 33 моддасига киритилган тузатиш ва ўзгаришлар ҳақида маълумот бериб, референдумнинг аҳамиятига тўхталди. Шунингдек, ўқитувчи мақоми ва уларнинг жамиятдаги ўрни ҳам муҳокама қилинди. Йигилиш давомида депутат учрашув иштирокчиларининг саволларга атирофлича жавоб берди.

Шимкент шаҳридаги кардиология маркази жамоаси билан учрашган ноиб 5 июнь кунини ўтадиган референдум ва Бош Қомусимизга киритиладиган ўзгаришлар масаласи муҳокама қилинди.

Халқ ноиб, шунингдек, Шимкент шаҳридаги MUSA савдо маркази жамоаси билан учрашди. 5 июнда ўтадиган умумхалқ референдуми ҳақида ат-

юзасидан гапираркан, ўзбек этномаданият бирлашмалари аъзолари ҳамда шаҳар тез тиббий ёрдам станциясида ҳам мулоқот ўтказди.

Терискей кичик тумани аҳолиси билан учрашувда “AMANAT” партиясининг штаб аъзоси, шаҳар маслаҳати депутати Қайрат Сулейменов маҳаллий аҳоли ҳамда Енбекши тумани ҳокимлиги вакиллари билан очиқ мулоқотда бўлди.

Депутатнинг Сайрам мавзеси аҳолиси ҳамда Ўрта Осиё тиббий коллежидан талабалари ҳузуридagi суҳбати чоғида “AMANAT” партияси Қоратов туман филиали ижроия котиби Абдеш Раҳманулли, Шимкент шаҳар маслаҳати депутатлари Лазиз Низомхон ўғли, Жадир Танатаровлар ҳам иштирок этишди.

Депутат, шунингдек, Бўзариқ мавзеси аҳолиси билан ҳам мулоқотда бўлди.

Барча муассаса, тиббийет жамоалари умумхалқ референдумини бир овоздан қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

М. ЭЛТОЕВА.

ИСЛОҲОТЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Мамлакатимизда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев раҳнамолигида барча соҳада улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Халқимизнинг тафаккури, дунёқараши юксалиб, фаровонлиги, турмуш тарзи янада яхшиланди, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бирига айланди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ушбу ўта таҳликали ва мураккаб даврда Ватанимиз истиқлолини нафақат кўз қорачиғидек асрамоқда ва ҳимоя қилмоқда, балки жадал суръатлар билан мустаҳкамлаб бормоқда.

Янги Қозоғистоннинг давлат сиёсатида туб бурилишлар, жадал ислохотларни бошлаб берди. Мамлакатимизни замонавийлаштириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Қозоғистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда.

Ана шундай энг дадил ва муҳим қадамлардан бири – Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 5 июнда ўтадиган умумхалқ референдуми.

Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу муҳим тадбир муҳокамасида фуқароларимиз кутилганидан ҳам фаол иштирок этиб, таклиф-мулоҳазаларини очик ифода этаркан, ислохотларни зўр қониқш ва мамнуният билан қўллаб-қувват-



лашмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда “Инсон манфаатлари барчасидан улуг”, деган устувор ғояга асосланган, халқ фаровонлиги, юрт тараққиётига хизмат қилувчи янги босқичдаги самарали ислохотлар изчил давом этаверади. Референдумда Конституциямизга киритиладиган тузатиш ва ўзгаришлар Янги Қозоғистоннинг таянчи эканлигини унутмаган ҳолда 5 июнь кунини ўз фуқаролик нуқтай-назаримизни амалда исботлайлик.

Раушан КҮНДЕБАЕВА,
Собир Раҳимов
номли 53-сонли
умумий ўрта
мактабининг
директори.

◆ Президент топшириқлари – амалда

“АМАНАТ”: МАСАЛАЛАР ҲАЛ БЎЛДИ



“АМАНАТ” партияси Туркистон вилоят филиали сайёр жамоат қабули лойиҳаси юзасидан 2022 йилнинг 15 март – 11 май оралиғида амалга оширилган ишларнинг таҳлилий натижаларини эълон қилди.

Янги лойиҳанинг мақсади – чекка аҳоли манзилларига бориб, фуқароларнинг муурожаатларини бевосита қабул қилиш эди.

Тезкор гуруҳ 44та аҳоли манзилига борди. Натижада маҳаллий аҳолининг партияга ишончи ортди. Бунинг далили – сайёр қабулларга 1473 одам келиб, муурожаат қилди. Бугунги кунгача 162та масала ижобий ҳал қилинди. Қабулларга вилоят, туман ва шаҳар маслаҳатидоғи партия фракцияси депутатлари, жамоат кенгаши аъзолари, вилоят ва маҳаллий давлат муассасалари раҳбарлари ҳамда мутасадди ходимлар жалб қилинган.

ЕЧИМИНИ ТОПГАН МАСАЛАЛАР

Чекка қишлоқларнинг муаммоларидан бири – уяли алоқа ва интернетнинг сифатсизлиги. Келес тумани, Жамбил қишлоғида ўтган қабулда фуқаро Б. Алтаев 4G интернет тармоғини ўрнатишни илтимос қилган. Худудий партия филиали мутасадди бошқармага вазифа юклаб, натижада мазкур қишлоқ округининг 4та аҳоли манзили 3G уяли алоқа интернетига уланди. Жамбил қишлоқ округи маркази Бекбўта аҳоли манзилини 4G интернет тармоғига улаш режаланган.

Қазигурт тумани, Шанақ овулидан Т. Абдарашов газ, сув, Ақбура булоғи қошида сув омборини қуриш тўғрисида сўраб муурожаат қилган. Партия филиали мутасадди давлат органлари билан боғланиб, Шанақ



аҳоли манзилини табиий газ билан таъминлаш ишлари жорий йилда бошланиши ва Миллий жамғармадан маблағ ажратилганини аниқлади. Ақбура булоғи қошида сув омбори қурилиши 2022 йилда бошланиб, аҳоли ичимли сув билан таъминланади.

Муурожаатларнинг бир қисми аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақида. Арис шаҳридан К. Исабекова доимий иш сўраган. Шаҳар инсон салоҳиятини ривож-

лантириш бўлимига берган аризаси асосида Аққала қишлоғидаги мактаб ошхонасига ишга жойлашди.

Вилоят миқёсида минтақавий ва худудий филиалларда жами 18та жамоат қабулхоналари фаолият юритмоқда. Ўз натижасини бераётган сайёр жамоат қабули фаолиятини давом эттирмоқда.

“АМАНАТ” партияси Туркистон вилоят филиали матбуот хизмати.

◆ Умумхалқ референдуми – 2022

Туркистон шаҳар марказлаштирилган кутубхонасида Туркистон вилоят Жамоатчилик штаби аъзоси Бақитжан Бейсембаев 5 июнда ўтадиган референдум тарғибот ишлари доирасида Туркистон шаҳрида истиқомат қилувчи кўп болали оналар ва хотин-қизлар билан учрашув ўтказди.

Оламдаги ўзгаришлар Қозоғистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шундай экан, бизга бугун замон талабига мос янги қонунлар керак. Умумхалқ референдуми ана шу мақсадда ўтказилади, – дейди Бақитжан Жармаханули.

Б. Жармаханули тадбирда иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берди. – Мактабда ишлашман. Ишдан қайтгач, бола-чақага қараш, уй ишлари билан овора бўлиб, вақтим қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қоламан. Албатта, сўнги янгиликлардан хабарим бор. Аммо, тушунмаган жойларим кўп эди. Бугунги тадбир орқали Бақитжан Жармаханулидан батафсил маълумот олдик. Албатта, мамлакатимизда бўлаётган ислохотлар кўп болали она

РЕФЕРЕНДУМ МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ



сифатида назаримдан четда қолмайди. Референдум доирасида Конституциямизга киритиладиган ўзгаришлар натижасида мамлакатимизда ижобий ислохотлар юз беришига ишонамиз, – деди туркистонлик кўп болали она Гулзада Егембердиева.

Тадбир иштирокчилари референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлаб, савол-жавоб тарзида ўзаро фикр алмашдилар.

Майсара САФАРОВА. Муаллиф тасвири.

◆ Брифинг

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ

ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг ташаббуси билан 5 июнь куни ўтадиган умумхалқ референдуми асосида 99-модали Конституциямизнинг 33таси ўзгаради. Бу Асосий Қомусимизнинг учдан бир қисми янгиланади, демакдир.

Вилоят Ахборий таҳлил маркази директори Сейдулла Айқўзов иштирок этган брифингда куннинг долзарб мавзуси – референдум кенг муҳокама қилиниб, устоз-доцентларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Х. Яссавий номидаги ХҚТУнинг Ҳуқуқшунослик кафедраси ўқитувчиси Даулет Қўжамбеков:

– Бунга қадар амалга оширилган конституциявий ислохотлар мамлакатни демократлаштиришга қаратилган қадамлар эди. Лекин галдаги конституциявий ислохотларнинг асосий хусусияти – ўзгаришлар ва қўшимчалар халқ референдуми орқали амалга оширилади. Конституцияни халқ қабул қилган. Шунинг учун, уни ўзгартиришга



ҳам халқ энг биринчи навбатда ҳақлидир, – деди.

Брифингда иштирок этган Х. А. Яссавий номидаги ХҚТУнинг Менежмент ва туризм кафедраси ўқитувчиси А. Қуралбаев ҳам сиёсий жараённинг мазмун-моҳиятига теран тўхталиди.

Матбуот анжумани сўнггида таҳлилчилар гуруҳи аъзолари йиғилганларни референдумда фаол қатнашишга чақирди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Мамлакатимизнинг маънавий пойтахти Туркистон шаҳрида “Маънавий хазина – 2022” республика фестивалининг дастлабки босқичи ўз ишини бошлади. ҚР Маданият ва спорт вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташкилотчилигида ўтказилаётган ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад – маданият ва санъат соҳасидаги истеъдодли жамоалар ва ижрочиларни қўллаб-қувватлаш эди.

Фестиваль-танловнинг тантанали очилиш маросими “Фараб” кутубхонасида ўтиб, унда “Қазақ әуендері” ҲХЖ президенти Ғалимжан Үтелбайули, вилоят маданият бошқармаси раҳбари Азимхан Қўйлибаев қатнашиб, фестиваль иштирокчиларига муваффақиятлар тилашди.

– Республика фестивалининг Туркистонда ўтказилиши бежиз эмас. Мақсадимиз – миллий, маданий ва

“МАЪНАВИЙ ХАЗИНА – 2022” ФЕСТИВАЛИ ЎТДИ

жаҳон санъатининг энг яхши анъаналарини тарғибот қилиш, ривожлантириш ва давом эттиришдир. Бу каби тадбирлар иштирокчиларга касбий маҳоратини ошириш, минтақанинг маданий меросини намойиш этиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради, – деди Ғалимжан Үтелбайули.

Фестиваль бир неча босқичдан иборат. Биринчи куни маданият ходимлари музей, кутубхона, маданий-ҳордиқ соҳасидан куч синашишди. Сўнг маҳорат дарслари уюштирилиб, маърузалар қилинди. Туркистон вилоятидаги муқаддас қадамжоларга саёҳат ташкил этилди. “Фараб” кутубхонасида фестивалнинг якуний маросими ўтиб, танлов ғолиблари тақдирланди ва кат-

та концерт уюштирилди.

Жорий йилги фестивалнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда маданият соҳасидаги давлат муассасалари билан бир қаторда, хусусий корхоналарнинг жамоалари ҳам иштирок этди. Биринчи босқич (минтақавий) бўйича 285та ариза қабул қилинди.

Фестивални ўтказиш худуди “Қазақ әуендері” ҲХЖнинг телеграм-каналида овоз бериш йўли билан аниқланди. Танлов натижаларига кўра, энг муносиб деб топилган минтақага “Маънавий ўлка – 2022” мақоми берилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ПОЙТАХТДАН САРМОЯДОР КЕЛДИ

Туркистон вилояти, Келес туманига Халқаро саноат маркази корпорациясини барпо этиш мақсадида Нур-Султан шаҳридан “QazExpoCongress” МК ҲЖ вакиллари ташриф буюришди. Мазкур иншоотни Ушқин қишлоқ округида қуриш режаланмоқда.

Меҳмонларга Келес тумани ҳокими Акментай Есбаев ҳамроҳлик қилди. Туман раҳбари Келес туманининг сармоявий салоҳиятига тўхталиб, тадбиркорлик иншооти учун зарур тадбирларни уюштиришга тайёр эканлигини айтди. Шунингдек, туман ер муносабатлари бўлими, тадбиркорлик ҳамда қишлоқ хўжалиги бўлимлари

раҳбарларига сармоядорларни қўллаб-қувватлашни топширди. Уларга қулай шaroитлар яратиб беришда “TURKISTAN INVEST” муассасаси кўмаклашади.

Лойиҳани амалга оширишда Келес тумани худудининг қулайлиги аниқланган. Ушбу худудда темир йўл қурилса, савдо-сотик янада ривожланади. Ўз навбатида барпо этиладиган янги савдо мажмуаси маҳаллий аҳолининг бандлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш имконини беради.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

◆ Янги Қозоғистонни бирга қурамиз

БОШ МАҚСАД – ХАЛҚ МАНФААТИ

Туркистон вилоят ҚХА қошида ташкил этилган журналистлар ва блогерлар клубининг аъзолари депутат билан учрашувда референдумни муҳокама қилдилар

Парламентнинг роли кучайиб, мақоми мустаҳкамланади. Парламентнинг назорат қилиш ваколатлари ҳам кўпаяди. Яъни, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш ваколати кучаяди. Бош



5 июнда ўтадиган умумхалқ референдумининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида Туркистон вилоятига ташриф буюрган ҚР Парламент Мажлиси депутати Берик Абдигалининг аҳоли билан навбатдаги учрашуви Ҳўрабoши тумани “Ордабасы оттары” газетаси тахририятида ўтди.

Унда туман ҳокимининг ўринбосари Қидирбай Сейтқулов, “Ордабасы оттары” газетаси директор-бош муҳаррири Ғалимжан Зиябек, таниқли ҳажвчи журналист Кўпен Амирбек, шунингдек, зиёлилар иштирок этишди.

Меҳмон Давлат раҳбари таклиф этган Конституциявий ислохот фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятини оширишни, шунингдек, ушбу қадам келгусида жамиятда ижтимоий адолат қарор топишига йўл очишини таъкидлаб, мазкур тарихий жараёнда фаол иштирок этишга чақирди.

– Конституциявий ислохотлар элимиздаги сиёсий аҳволга янги руҳ беради. Бу – “Халқ дардини тинглайдиган давлат” ғоясини амалга оширишнинг муҳим дастаги. Жумладан,

Қомусимизнинг учдан бир қисмига ўзгартиришлар киритилмоқда. Янги Конституция – “Янги Қозоғистон”га бошлайдиган ўзига хос йўл бўлишига ишонаман, – деди депутат.

Тадбирда Кўпен Амирбек ҳар бир фуқаро референдумда фаол иштирок этиб, элимиз тараққиётига ҳисса қўшиши муҳимлигини таъкидлади.

Туман ҳокимининг ўринбосари Қ. Сейтқулов Мажлис депутатига ташриф учун миннатдорчилик билдириб, унга “Куч отаси – Қажимуқан” китобини совға қилди. ҚХА қошидаги журналистлар ва блогерлар клуби раиси Е. Амирбек референдумнинг эл биллигини мустаҳкамлайдиган нуфузли сиёсий қадам эканини таъкидлади ва халқ ноибига этнослараро тотувликка бағишланган “Шанирақ” китобини совға қилди.

Учрашув иштирокчилари Конституцияга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ТАҚДИРИМИЗНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖАРАЁН



Сайрам туман “АМАНАТ” фирқаси бўлими ижроия котиби Алмас Абдрахманули ва Туркистон вилоят референдум штаби раиси ўринбосари Жамалбек Шарипбек, таълим соҳаси етакчиси Нишан Байғутов, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси бош муҳаррири Алишер Сотволдиев, “Жалын жастары” уюшмаси раиси Қурмет Керимбеков, туман референдум штаби аъзолари, туман маслаҳати депутатлари 5 июнь куни ўтадиган референдум доирасида Конституцияга киритиладиган ўзгаришлар юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришди. Улар Оқсувкент қишлоғидаги “К-ПЕБЛ” МЧБ ходимлари билан учрашди.

Давлат тизимидаги бошқарувни ўзгартирадиган мамлакатдаги сиёсий ҳолатга янги руҳ берадиган референдум илк бор миллий миқёсда ўтказилади. Бу “Халқ овозини тингловчи дав-

лат” моҳияти ҳаётга татбиқ этилаётганининг ёрқин кўринишидир.

Референдум Қозоғистон келажигини белгилаб беради. Бу дабдабали сўз эмас, чунки конституциявий ислохот амалга оширилса, сиёсий тизимимизда жиддий ўзгаришлар рўй беради. Улар жамиятда ошкораликни таъминлашга қаратилган. Шу боис, ҳар бир фуқаро унда иштирок этиб, овоз бериб, ушбу тарихий ҳужжатнинг ўзгаришига ҳисса қўшади.

Учрашув иштирокчилари “Таълим ва тараққиёт комбинати” ДККнинг инсон салоҳиятини ривожлантириш бўлимининг фаолияти билан ҳам танишишди.

Сакен СУЛТАНОВ, Сайрам туман маслаҳати депутати, “АМАНАТ” партияси фракцияси аъзоси.

◆ Оқ олтин – 2022

“Нур Сармат”
МЧБ ва пахтанинг
“Султон” нави

ЎКИ ТОШКЕНТЛИК МУТАХАССИСЛАР ТАВСИАЛАРИ

Доимий жамоатчи обуначимиз, “Нур-Сармат” МЧБ раҳбари Абдуманно Абдуразақовнинг таклифига биноан Туркистон шаҳри яқинидаги пахтанинг серҳосил, тезпишар, сувсизликка, турли хасталикка чидамли “Султон” нави етиштирилаётган далаларга бордик. Тошкентдан келган зироатшунос-мутахассислар Баҳром Юсупов ва Нуриддин Холмуродов апрель ойида 75 гектар майдонга экилган, бир текисда униб чиққан ғўза ниҳолларини кўздан кечириб, тавсияларини баён этишди.

Бу йил ёгингарчилик сероб. Жўяк ораларида қатқалоқ бор. Бу ғўза учун хавфли. Қўл кучи билан чопиқ қилиш керак, – деди А. Абдуразақов.

– Унда бу ишни “Беларусь” трактори культиваторида амалга ошириш мумкин, – деди ўзбекистонлик мутахассис.

Биродарлик зироатшуноси Элмурод Утепов механизатор Абубакир Латиповга тегишли кўрсатмалар бериб, культиватор ишига киришди. Жараён осон кечмайди. Ҳар сантиметр ҳисобда, хато кетса ғўза ниҳоли нобуд бўлади.

Хуллас, пахтакор меҳнатининг ма-



пахта гулларини мустаҳкамлайди ҳамда вегетация даврини қисқартиради. AMINOSID жаҳоннинг ўндан зиёд мамлакатларида, хусусан, Туркистон вилоятида ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда. Ҳосилдорлик, ғўзанинг турли зараркундалар ва касалликларга иммунитетини орттиради. Унинг нархи ҳосилдорликнинг ошиш ҳисоб-



шаққати оз эмас. Бироқ ўтган йили пахта хомашёсининг нархи анча кўтарилди. Сарфланган меҳнат ва харажат ўзини оқлайди. Ўзбекистонлик мутахассислар пахтанинг “Султон” нави Қашқадарё ва Сурхондарё минтақаларида гектардан 75 центнердан ҳосил бераётганини, пахта ҳосилини комбайнда териш қўлайлигини, пишиб етилиш мuddати ушбу иқлимга мослигини айтишди. Шунингдек, ўтган йили “Нур-Сармат”да пахтанинг “Султон” нави гектаридан 40-45 центнердан ҳосил берган. Ҳосилдорликни янада ошириш мумкин. Бунинг учун нитратсиз AMINOSID препаратини қўллаш кифоя. У ғўза баргини озқилантиради, ёмғирлатиб суғориш тупроқ ҳосилдорлигини оширади. Илдизни шакллантириш ва ривожлантиришдан бошлаб,

бига бир неча баравар қопланади. AMINOSID боғдорчилик, сабзавот, помидор маҳсулотлари етиштиришда ҳам кенг қўлланилади. Туркистон вилоятидаги, хусусан, Саврон туманидаги пахтакор дехқонлар учун пахтанинг “Султон” нави чигитини ҳамда AMINOSID препаратини харид қилиш борасида саволлар бўлса “Нур Сармат” МЧБ раҳбари Абдуманно Абдуразақовга мурожаат қилишингиз ёки 8 701 455 64 77 уяли телефонида кўнгирок қилишингиз мумкин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: тошкентлик мутахассислар иш устида;
Ғўза қатор оралари культивацияланмоқда.

◆ Янги Қозоғистонни бирга қурамиз!

Доимий жамоатчи обуначимиз, Янги Иқон қишлоғи ҳокими Тоҳир Абдаев кўнгирок қилди. Шоир ҳамқишлоғи, А. Яссавий номидаги вилоят адабий уюшмаси Саврон тумани бўлими масъул котиби Акажон Иззатуллаевнинг китоблари тақдиротида ҳамийлик қилиб, ўтказиб беришни зиммасига олганини айтди. Акажоннинг феълени яхши биламан. Бировга оғирлигини туширмайдиган одам “Соғиниб яшайман”, “Кимгадир яхшисан, кимга эса йўқ”, “Сен ҳам мени соғинармисан?” китобларини ҳам ўз ҳисобидан чоп эттирган. Демак, тақдирот ташаббуси қишлоқ ҳокими Тоҳир Абдаевга тегишли. Баракалла, ҳоким бўл, халқингга яқин бўл, деган нақл беҳиз айтилмаган.

ЯНГИ ИҚОНДА ЯНГИ
КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Суннатулла Ақромов, Долимжон Сайфуллаев, Абдуғаффор Абдурауф, “Улес” хайрия жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоров, иқонлик Ойсултон Абдуқодирова, Умида Иззатуллаевалар ҳам шоирни муборакбод этишди.

Саврон тумани Маданият уйи директори Жантўре Байдаулетов, Саврон тумани маданият, тилларни ривожлантириш, жисмоний тарбия бўлими раҳбари Жанар Жумабековалар қутловлари ҳам янгради. Шоир Акажоннинг қариндош-уруғлари ҳам дил иззорларини баён этиб, кифига тўн ёпишди.

Ўтган асрда қурилган, кўп тадбирлар, хусусан, бугунда мар-



Эрталаб шоир Эрнатар Рўзиматов, Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбеков, журналист Райимжон Алибоев, Журъат Мирзатов, Гулҳаёт Аҳмедова, фаоллар Айниддин Абубакиров, Ирискул Аббосовлар билан биргаликда Янги Иқонга йўл олдик. Тадбир ўтадиган макон – Янги Иқон қишлоқ Маданият уйи қишлоқ ҳокимлиги биноси билан бир ҳовлида жойлашган.

Бизни ҳоким Тоҳир Абдаев, қишлоқ жамоат тотувлиги кенгаши раиси Бобожон Ёқубов, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ўсар Неъматуллаев, Улуғбек номли мактабнинг мусиқа ўқиту-

чиси Бобир Умарқуловлар қарши олишди. Акажоннинг падари бузруквори Ирисбек ота, қишлоқ фаоллари Йўлдош Сотиболдиев, Азизхон Абдуғафоров, Улуғбек номли мактаб директори Аблайхан Қурманбековлар ҳам залдан жойларини эгаллашди. Мактаб ва Маданият уйи маъмурияти тайёрлаган дастурга биноан қишлоқ, мактаб, ҳокимлик, “Қўқ қиё илҳомлари” ижодий уюшмаси аъзолари муборакбод этишди. Акажоннинг шеърлари асосида яратилган қўшиқлар ижро этилди. Шимкент, Сайрам, Кентовдан ташриф буюрган ҚР “Ижодкор” бирлашмаси раиси Баҳодир Оташ, ҚР Ёзувчилар уюшмаси аъзолари

ҳум янги иқонлик шоирлар Султон Бобохонов, Ҳамза Мирхайдаров, Парпи Бобоев, Миртемир Ҳамроевларнинг юбилей кечалари, китоблари тақдироти ўтган Маданият уйида 45 ёшли иқтидорли шоир Акажон Иззатуллаевнинг китоблари тақдироти юксак савияда ўтди. Маданият уйи ховлисида меҳмонларга ҳоким Тоҳир Абдаев ҳамийлигида дастурхон ёзилиб, ош ва Самандар ота булоқлари сувидан дамланган хушбўй чой тортилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф тасвирлари.



«Türkistan» телеканалда бир дақиқали реклама материаллари-ни жойлаштириш – 34000 тенгедан бошланади.

Türkistan Times янгиликлар дастурига лавҳа тайёрлаш ва жойлаштириш – 250 000 тенгедан.

“Жаңа толқын” ахборот-кўнгилочар дастурига лавҳа тайёрлаш ва жойлаштириш – 150 000 тенгедан бошланади.

Кўламдор реклама-ахборот материаллари учун чегирмалар мавжуд.

Телеканалга реклама берувчини жалб қилган ҳамюртларимизга буюртма миқдорининг **15 ф**оизи миқдориди агентлик мукофоти тўланади.

Барча реклама ва эълонлар эрталабки соат 08:00дан кечки соат 24:00гача эълон қилинади ва Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон Республикалари, Туркменистон ва Венгрия ҳудудларида эфирга узатилади.

Маълумот учун телефонлар:
+7 (7253) 35 30 31, +7 (747) 944-08-25.
Телеканал маъмурияти.

Turkistan
телеканал

turkistantvzk

◆ Муҳтожларга мадад бериш фазилати
БИРЛИҚДА БИРЛИК ТАДБИРИ

21 май куни кечқурун юз берган кучли шамол оқибатида табиий офат Туркистон шаҳри Бирлик кичик туманидаги уйнинг тунока томини учуриб юборди. Томнинг ёғочлари деворга маҳкамланмаганлиги аниқланди. Эрталаб камина ҳамда оқсоқоллар ҳайъати раиси Холмирза Исетов, шунингдек, 15-сонли шўъба мудир Хусан Маҳкамбоев, ҳимматли ёшлар ҳашар уюштириб, уйнинг томини ёпишга киришди. Туманимиздаги тадбиркор Шохимардон

Йўлчиёвдан бошлаб ушбу хонадоннинг барча яқинлари ёрдам қўлини чўзди. Хуллас, яқинда куни кечқурунғача шамол учуриб юборган том тўлиқ тикланди. Халқимизнинг ҳашар аънаси туманимиздаги ушбу уй мисолида ўз аксини топди. Барча ҳимматли ҳамюртларимизга миннатдорчилик билдирамыз.

Тойир АБДУВАЛИЕВ,
Бирлик кичик тумани ҳокими,
ҚР Фахрий фуқароси.
Ш. МАДАЛИЕВ тасвири.

<p>Директор – Бош муҳаррир – Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОДИЕВ.</p> <p>Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ, Авазхон БУРОНБОЕВ.</p> <p>Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.</p>	<p>Масъул шахслар:</p> <p>Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Тулелбий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42. Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36. Тулқибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71. Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90</p> <p>Қозоғистон Республикасида тарқатилади.</p>	<p>Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган бироқдорлиги.</p> <p>● Мақолапар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолапар ва эълонлар жавоб қайтарилмайди.</p> <p>Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ВРҮ00022503 гувоҳнома берилган.</p> <p>“ERNUR-print” МЧБ боомхонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, “Жаңа қала” кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55 Электрон почта: janubiy@inbox.ru</p> <p>Нашир кўрсаткичи – 65466. Адади – 12000 нуска.</p> <p>Бироркам 1322. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УМОНОВА.</p>
---	--	---	--